

Ёшларга эътибор—келажакка

эътибор



Қумқұрғон тумани Алпомиши спорт үйингоҳида бўлиб ўтган Давлат хавсизлик хизмати раиси кубоги ўз якунига етди.

Спортнинг фудбол, мини фудбол ва қизлар ўртасида мини фудбол мусобақасида туман босқичига чиққан маҳалла ёшлари ўзора куч синашди.

Дастлаб қизлар ўртасида мини фудбол мусобақасининг финал босқичи учун “Тұғон” ва “Боботоғ” маҳаллалари куч синашишди. Учрашувда “Тұғон” маҳалласи жамоасининг құли баланд келди.

Мини фудбол мусобақаси финали учун “Янгиер” ва “Ғалаба” маҳалла ёшлари ҳам ўзаро куч синашишди. Ушбу бахсада “Ғалаба” маҳалла ёшлари ғолиб бўлишди.

Мусобақанинг сўнги учрашувида “Шерози” ва “Ўзбекистон беш” йиллиги маҳалла жамоалари тўқнаш келишди. Шиддатли ўтган учрашувда “Шерози” маҳалла жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақа якунида пойтахтдан ташриф буюрган эстрадамизнинг ёрқин юлдузларидан Гулинур ва Диляфрўз Хайитметова иштирокида ёшлар учун концерт дастурлари ташкил этилди. Мехмон санъаткорлар ўзларининг куй қўшиқлари билан туманимиз ёшларига кайфият баҳшида этди.

Тадбир сўнгидаги Мусобақанинг финал босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоа ёшларига туман ҳокими ва Давлат хавсизлик хизмати Қумқұрғон тумани бўлими раҳбари томонидан қимматбаҳо эсталик совғалари топширилди.

Биринчи ўринни эгаллаган жамоа иштирокчиларининг ҳар бирига олтин медал, спорт формалари ва телевизор совғалари топширилди.

Иккинчи ва учунчи ўринни эгаллаган жамоа иштирокчилари кумуш ва бронза медаллари, спорт формалари ҳамда телефон аппаратлари билан тақдирланди.